

АЛИМОВА Махфуза,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
UNESCO кафедраси доценти, тарих фанлари
номзоди mahfuzaalimova@iia.uz

МОВАРОУННАХРДАГИ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ РИВОЖИДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ ИСЛАМА В РАЗВИТИИ СОЦИАЛЬНОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ В МОВАРУННАХРЕ

THE ROLE OF ISLAM IN THE DEVELOPMENT OF SOCIAL AND CULTURAL LIFE IN MOVARUNNAHR

Аннотация. IX аср Мовароуннахр маданияти ва маънавий ҳаётида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бердики, улар нафақат Ўрта Осиё, балки бутун мусулмон Шарқи тарихида ўчмас из қолдирди. Маънавий ҳаётда эски динлар ўрнига ислом мустаҳкам ўрин эгаллади. Қадимий ва бой маданиятга эга бўлган Мовароуннахр араб халифалиги таркибига киргач, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол роль ўйнай бошлади.

Таянч иборалар: IX аср, маданият, дин, Ўрта Осиё, Араб халифалиги, ислом, сомониylар, Самарқанд, Самъоний, калом.

Аннотация. В IX веке произошли большие позитивные изменения в культуре и духовной жизни Мавераннахра, которые оставили неизгладимый след в истории не только Центральной Азии, но и всего мусульманского Востока. Ислам заменил старые религии в духовной жизни. Мавераннахр, имеющий древнюю и богатую культуру, начал играть активную роль в социально-экономической и культурной жизни Арабского халифата.

Опорные слова: IX век, культура, религия, Средняя Азия, Арабский халифат, Ислам, Саманиды, Самарканд, Самъани, калым.

Annotation. In the 9th century, great positive changes took place in the culture and spiritual life of Maverannahr, which left an indelible mark on the history of not only Central Asia, but also the entire Muslim East. Islam has replaced old religions in spiritual life.

Maverannahr, which has an ancient and rich culture, began to play an active role in the socio-economic and cultural life of the Arab Caliphate.

Support words: IX century, culture, religion, Central Asia, Arab Caliphate, Islam, Samanids, Samarkand, Sam'ani, Kalam

КИРИШ

IX аср Мовароуннахр маданияти ва маънавий ҳаётида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бердики, улар нафақат Ўрта Осиё, балки бутун мусулмон Шарқи тарихида ўчмас из қолдирди. Маънавий ҳаётда эски динлар ўрнига ислом мустаҳкам ўрин эгаллади. У фақат дингина эмас, балки янги маънавий йўналиш сифатида бутун маданий жараёнларга, барча мусулмон мамлакатлари орасидаги ижтимоий-маданий, маърифий алоқаларнинг кучайишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу даврда ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устунлик қилди. Диний ва дунёвий илмлар узвий боғлиқ ҳолда ривожланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом динининг ақидалари, эътиқодининг аниқ ва мусаффолиги, бошқа динларга нисбатан бағрикенглиги, янги-янги кишиларни ўз сафига қабул қилишга доимо тайёрлиги каби кўпгина ижобий фазилатлари тезда барчани ўзига ром этиб, оммалашиб кетди. Шу тарзда “қадимий ва бой маданиятга эга бўлган Ўрта Осиё араб халифалиги таркибига киритилгандан сўнг унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол рол ўйнай бошлади”[1:10].

VIII асрнинг охири – IX асрда Хуросон ва Мовароуннахрда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар ҳамда у билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар аҳолининг маданий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Жумладан, араб тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши унинг нуфузини ошириб, замонасининг илм-фан тилига айлантирган. Араб тилига қизиқиш ортган, айниқса, маҳаллий зодагон табақа томонидан унинг ўзлаштирилиши мазкур табақа вакиллари халифалик ноиблари билан яқинлашишлари, сиёсий мавқеъларининг кучайишига имкон берган. Айни пайтда

маҳаллий аҳоли ўртасида араб тилини мукамал эгаллаган шахслар – олимлар ва давлат арбоблари кўпайган. Улар дастлабки билимларни она юртларидаги мадрасаларда олиб, кейинчалик халифаликнинг Бағдод, Басра, Куфа ва бошқа марказий шаҳарларида билимларини оширганлар. Бағдод шаҳри халифаликнинг ҳам сиёсий, ҳам илмий ва маданий маркази эди. Маълумки, халифа Маъмун даврида у ерда “Байт ал-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) – ислом оламининг ўзига хос фанлар академияси тузилган эди [1:150]. Унда Мовароуннахрдан чиққан кўплаб олимлар, жумладан Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Фазл ал-Хутталий ва бошқалар ижод қилиб, жаҳон фанининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар [2:10].

Ўрта осийлик энг йирик астроном, буюк математик ва географ – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, астроном ва математик Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний ва бошқаларнинг фаолияти айни, бутун халифалик бўйича астрономия соҳасида етакчи мавқега эга бўлган даврга тўғри келади. Бўлғуси халифа ал-Маъмун Хуросон ноиби бўлиб турган вақтдаёқ бу олимларни ўз саройига таклиф этган ва тахминан 819 йилда уларни ўзи билан Бағдодга олиб кетган.

Ўрта Осиёнинг географик жойлашуви ва қулай табиий, иқлим шароитлари қадим замонлардан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар билан доимий савдо-иқтисодий алоқалар олиб боришга имкон берган. Бу алоқалар иқтисод, шаҳарларнинг қурилиши, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, фан ва маданиятнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Археологик тадқиқотлар натижалари диёримиз аҳолисининг ҳаёти ва ҳунармандчилигининг қандай юксак даражада бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Афросиёбда 1965 йили ўтказилган қазилмалар вақтида VII асрда қурилган бой ва нуфузли зодагонлардан бирига мансуб бўлган катта турар-жой биноси харобасининг бир қисми топилди. Баъзи хоналарнинг деворлари суратлари билан тўлиқ безатилган бўлиб, уларнинг қолдиқлари ўша даврдаги мўйқалам соҳибларининг ажойиб санъатига муносиб баҳо бериш имкониятини туғдиради [3:12].

Ислом динининг Мовароуннахрга кириб келишининг дастлабки йилларида зардуштийларнинг ибодатхоналари, буддавийлик ва христианлик черковлари бинолари масжидларга айлантирилган. Манбаларда Бухоро шаҳрининг кўхандизида юксак кадрлаб келинган маҳаллий Мох ибодатхонаси ҳамда унинг олдида Бухоро ҳукмдорининг тахти бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Абу Саъд Самъонийнинг маълумотларига кўра, бухоролик оташпараст Мох (Мах), ислом динини қабул қилиб, ўз уйини масжидга айлантирган ва у Мох масжиди деб аталган [4:128]. Шунингдек, Насаф атрофидаги Косон қишлоғидан чиққан суфий, шайх Абу Абдурахмон Муъоз ибн Ёқуб ан-Насафий 219/834 йили Насафда ўз ҳисобидан Жоме‘ масжид ва унинг ёнида работ қурдириб, таҳорат олиш учун махсус жой (булоқ сувини) ажратган. Бу иншоотлар қурилган кўча дастлаб унинг номи билан аталган, кейин XII асрда аз-Зуххад (Зоҳидлар) номига ўзгартирилган. Шунингдек, Имом Абу Музаҳим Сибъ ибн Надр ал-Вазарий (ваф. 882 й.) Самарқанддан 4 фарсах (тахминан 49 км) узоқликда жойлашган Вазар қишлоғида Жоме‘ масжид қурдирган [4:127].

Тарихий манбалардаги маълумотлар Ўрта Осиёда IX асрда кўплаб работлар қурилгани ва улар шаҳарларда, қишлоқларда, тоғ ва чўлларда, карвон йўлларида бунёд этилганлигини кўрсатади.

IX асрда шунингдек, меъморчилик ҳам ривож топган. Хусусан, мазкур асрнинг охирларида барпо этилган Сомонийлар макбараси Бухородаги ўрта аср иншоотлари орасида алоҳида ўрин тутди. Макбара Исмоил Сомоний (849-907) томонидан отаси Наср ибн Аҳмад (ваф. 892 й.)нинг ўлиmidан кейин қабри устига оилавий сағана сифатида қурилган. Илк ислом даврида қабр устида ҳар қандай ёдгорлик ўрнатиш ислом дини ақидаларига зид ҳисобланган. Лекин Исмоил Сомонийнинг макбара қуришига, IX аср ўрталарида Бағдод халифалари томонидан бунёд этилган ас-Сулабия макбараси туртки бўлган, деган фикрлар мавжуд [5:97]. Шунингдек макбарага Исмоил ҳамда невараси Наср ибн Аҳмад (ваф. 943 й.) дафн этилган. Наршахий бу макбарага 914 йили қуллари томонидан ўлдирилган

Исмоилнинг ўғли Аҳмад ҳам қўйилган, деб ёзади. Исмоил Сомоний макбараси жаҳон меъморчилигининг шоҳ асарларидан ҳисобланиб, Ўрта Осиё меъморчилиги ва санъати тарихида дастлабки макбаралардан саналади.

Аббосийлар томонидан ҳокимиятни марказлаштирилиши натижасида фан ва маданиятнинг тараққий этиши, халифалик таркибидаги турли давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва илмий алоқалар ривожлана борди. Бу даврда араб, форс, юнон ва латин тиллари халқаро алоқа сифатида катта эътибор қозонди, диний ва дунёвий илмлар тараққий этди, ижтимоий, ахлоқий, тарбиявий ва маънавий кадриятлар шаклланди [6:21]. Халифаликнинг Дамашк, Ҳалаб, Рай, Самарқанд, Бухоро, Марв, Шош, Нишопур каби шаҳарлари иқтисодий ва маданий тараққиётга эришдилар.

Фан ва маданиятнинг юксалиши ва раванқ топиши, айниқса, Сомонийлар даврида Хуросон ва Нишопурда яққол кўзга ташланади. Марв, Бухоро ва Самарқанд йирик маданият марказларига айланди. Аниқ фанлар – геометрия, алгебра, геодезия, геология, минералогиянинг ривожланиши, ўз навбатида, кишлоқ хўжалигининг гуллаб-яшнашига салмоқли таъсир кўрсатди. Мовароуннаҳрнинг турли вилоятлари, айниқса, Зарафшон, Сурхон, Илек¹ воҳалари, Фарғона, Шош ва Хоразмда кишлоқ хўжалик экинлар кўлами ривожланди.

IX асрнинг охиридан бошлаб, Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда пойтахт Бухорога қўчирилди. Бироқ ўша даврда ҳам Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ва маданий маркази бўлиб турди. Шунингдек бу даврда Самарқанд мусулмон жамоаси таркибида аста-секин маҳаллий аҳоли сони ошиб, уларнинг мавқелари мустаҳкамланиб борди.

Самарқанд ҳарбий ҳаракатлардан узоқроқда бўлганлиги, шаҳарда иқтисодий, маданий ва илмий тараққиёт учун бир мунча қулай вазият вужудга келтирди. Вайроналар устида янги бинолар барпо этилиб, шаҳар янгидан қад кўтарди ва шаҳар кенгайди. Самарқанд кўҳна Афросиёб жойлашган бутун тепаликни эгаллади ва тўрт дарвозали баланд

деворлар билан ўраб олинди. Шаҳардан жануброқда, Ҳазрати Хизр масжиди яқинидаги Кеш дарвозасининг нариги томонида бозор ва ҳунармандларнинг устахоналари бўлган савдосотик работлари вужудга келди. Шаҳар маркази аста-секин жануб томонга, ҳозирги вақтда Бибиҳоним масжиди харобалари турган жойдан Регистонга ва Чокардиза маҳалласини ўз ичига олган ерларга ёйилди [3:14].

VII аср бошларида Самарқандда маданий соҳадаги ўзгаришлардан бири қоғоз ишлаб чиқарила бошлади [7:119]. Кейинчалик эса араблар орқали Самарқанд қоғозини тайёрлаш бошқа давлатларга ёйилган. Самъоний даври (XII аср)да ҳам Самарқанд дунёга ўзининг қоғози билан машҳур бўлган ва бу соҳада етакчилик қилган. У Машрикда фақат Самарқанд шахридагина қоғоз ишлаб чиқарилиши ва унинг савдоси йўлга қўйилганлигини, “ал-Қоғазий” нисбаси билан кўплаб олимлар танилганлигини таъкидлайди [8:81].

VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда ханафийлик мазҳаби тарқала бошлади ҳамда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ушбу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби таркиб топди. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар теран билимлари, қимматли асарлари билан ислом дунёсида катта шухрат қозондилар. Фақиҳларнинг давлат ҳукмрон доиралари, халқ оmmasига таъсири жуда кучли эди. Диний ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган барча муаммоли масалалар фақиҳлар орқали ечилган. Фикҳ шахс, оила ва жамият ҳаётининг турли масалаларини қамраб олганлиги боис Мовароуннаҳр мактаби намояндалари ўз халқлари анъаналари, урф-одатларини умумислом мавқеларидан туриб таҳлил қилишдек вазифани амалга оширганлар. Ушбу сайи ҳаракат ва мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг бир неча авлодлари фаолияти орқали маҳаллий халқларнинг тарихий, маданий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида ўз аксини топди [9:52].

IX асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ҳадис мактаблари ҳақида қизиқарли маълумотлар “Абу Саъд Абдалкарим ас-Самъонийнинг “Китоб ал-Ансоб” асари Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихи бўйича манба сифатида” номли китобда келтирилган. Унда Марв шахридаги катта ҳадис мактаблари ва

¹ Илек – Илик – Илок, Элок (ҳозирги Сирдарё вилояти) шаклларида ҳам учрайди.

унда ижод қилган буюк муҳаддислар тўғрисида зикр этилиб, сўнг Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳақида сўз боради: “IX-X асрда Самарқанд вилоятларидан бири Иштихон шаҳрида Аҳмад ибн Хишом ан-Навқадакий ҳамда Довуд ибн Амр ар-Рустуғфарий ҳадис мактаблари, Нисо шаҳрида Аҳмад ибн Шуайб ан-Нисайи мактаби, Хўжандда – Яҳё ибн ал-Фадл ал-Хўжандий мактаби мавжуд бўлган” [9:51].

Бундан ташқари баъзи муҳаддислар Самарқандга келиб, муқим яшаб қолганлар ва шу шаҳарда ўз мактабларига асос солганлар. Жумладан, Абу Имрон Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Муаддиб ал-Хўжандий (ваф. 907 й.) адиб, ҳаким, муҳаддис сифатида шухрат қозонган. Самъоний келтирган маълумотларга кўра, Абу Саъд ал-Идрисий ўзининг “Самарқанд тарихи” китобида Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Хўжандийнинг Самарқанддаги мактабида бўлганлигини айтиб ўтган [8:106].

Мовароуннаҳр шаҳарлари ичида Самарқанднинг ўзига хос ўрни бўлиб, бу ерга илм талабида турли ўлкалардан олимлар келар эдилар. Айримлар ўзлари учун керакли илмларни олиб, сўнгра ўз юртларига қайтсалар, бошқалари шаҳарда умрларининг охиригача қолганлар. Бу маълумотлар Самарқандда ислом илмлари жуда ривожланганлиги, шаҳар уламоларининг машҳурлик даражалари юқори бўлганлигини англатади. Ҳадис илмининг Самарқанддан чиққан илк намояндалари сифатида Абу Муқотил ас-Самарқандий, унинг шогирди Абу Бакр Аҳмад ибн Наср ал-Атакий, икки ўғил – Салм ибн Ҳафс (ваф. 826 й.) ва Умар ибн Ҳафс (ваф. 834 й.)лар зикр этилади [10:16].

Мовароуннаҳрда ушбу даврда мотуридийлик калом мактаби ташкил топган. Калом дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний фирқалар - муътазилийлар, хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиъийларнинг ўзаро мунозаралари ҳамда маздакий ва насроний динлари вакиллари билан баҳслашишлари жараёнида шаклланган. Калом илмининг пайдо бўлиши Пайғамбар, саҳобийлар даврида ҳам юз бермаган эътиқод масалаларидаги баҳслар, тортишувлар кўпайган Аббосийлар ҳукмронлик қилган вақтга тўғри келади. Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожига Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр ал-

Жузжоний (IX аср), Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжоний Абу Наср ал-Иёдий ҳамда Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 944 й.) каби олимлар катта ҳисса қўшганлар [11:11].

IX аср мобайнида Мовароуннаҳр шаҳарларида маданий ҳаётнинг ўсиши жараёни кузатилган. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Бинкат каби шаҳарлар халифаликнинг маданий марказлари қаторидан муносиб ўрин эгаллай бошлаган. Бунда, зикр этилганидек, исломнинг ҳамда араб тилининг давлат дини ва тили мақомини олиши муҳим рол ўйнаган. Диний, ҳуқуқий ва илмий адабиётлар араб тилида ёзила бошлаган. У халифалик ҳудудида Шимолий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Кавказортига тарқалганлигини эътиборга олсак, бу тил ўзига хос халқаро тил вазифасини ўтаган.

IX асрдаги маданий ҳаёт ва илмий муҳит ҳамда кейинги асрларда Мовароуннаҳрда содир бўлган юксалиш даври ҳақида маълумот берувчи кўпгина араб тарихчи, географлари асарлари мавжуд. Саёхатнома, маъмурий-жуғрофий маълумотнома ва жуғрофий асарларда жуда бой тарихий-топонимик маълумотлар мавжуд. Одатда бир-икки жилдга жамланган ўта муҳим асарлар, асосан IX-XI асрларда яратилган. Бу китоблар «машҳур араб географлари кутубхонаси»ни ташкил этган. Ибн Хўрдодбеҳнинг умумжаҳон миқёсидаги жуғрофий асари шулар жумласига киради. Ибн Хўрдодбеҳ асли эроний бўлсада, унинг асари араб тилида бизгача етиб келган мамлакатлар тавсифи баён этилган илк географик асар ҳисобланади. Бу асар халифалик ва унга ёндош мамлакатларнинг тарихига оид муҳим манбадир. Унда вилоятлар, шаҳарлар номи келтирилган, бир манзилдан бошқа бир манзилгача бўлган аниқ масофа, халифалик хазинасига тушадиган солиқларнинг аниқ рақамлари ва бошқа маълумотлар келтириб ёритилган [12:102].

Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарлари билан халифаликнинг бошқа шаҳарлари ўртасида мустаҳкам ички маданий алоқалар бўлган. Бу алоқалар шахсий мулоқат, адабиёт алмашуви ва педагогик фаолият орқали амалга оширилган. Билим етказишнинг икки хил анъанаси мавжуд бўлиб, улар асосида а) оилавий - бир олимнинг икки ёҳуд ундан ортиқ авлоди фаннинг тегишли соҳаси билан шуғулланган ва б) педагогик -

Ўрта Осиёнинг йирик маданий марказларида устозлар ва шогирдлар мактаблари шаклланган [14:26].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ислом дини янги маънавий йўналиш сифатида бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий-маданий, маърифий алоқаларнинг кучайишига катта таъсир кўрсатган;

– қадимий ва бой маданиятга эга бўлган Мовароуннаҳр халифалик таркибига киргач, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол роль ўйнай бошлаган. Хусусан, Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма” илмий марказининг доврўғини жаҳонга ёйилишида мовароуннаҳрлик олимларнинг ҳиссаси катта бўлган;

– IX аср охирида пойтахтнинг Бухорога кўчирилиши, осойишта ҳаёт туфайли Самарқандда иқтисодий, маданий ва илмий тараққиёт учун қулай вазият вужудга келган, шаҳар ҳудуди кенгайган, савдо ривожланган, кўплаб диний иншоотлар қурилган;

– ислом дини араб бўлмаган халқларга ёйилиши боис Қуръонни тушуниш, уни тўғри талқин қилиш масаласи кўндаланг бўлиб, ислом илмлари, жумладан, тафсир ва ҳадисга илмларига эҳтиёж туғилган. IX асрда Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳадис илмининг тараққиёти тарихий воқеалар ва жараёнлар билан бевосита боғлиқликда кечган. Натижада Мовароуннаҳрда бу соҳада бир қанча алломалар етишиб чиққан, ҳадис мактаблари вужудга келган. Мухтасар қилиб айтганда, Мовароуннаҳрдаги маданият ва тарих ўзига хос маҳаллий мактаблари ва анъаналарига эга бўлган ва бу ердан чиққан кўпгина алломалар инсоният тамадануни, хусусан ислом илмлари ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуҳалимов Б. «Байт ал-ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. - Б. 10.
2. Хайруллаев М. IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданий юксалиш // Маънавият юлдузлари (Марказий осийлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). - Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2001. - Б.37.
3. Самарқанд тарихи. - Т. 1. - Б. 11-12
4. Камалиддинов Ш. С. “Китаб ал-ансаб” Абу Саъда Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Самъоний как источник по истории и истории культуры Средней Азии. - Т.: Фан, 1993. - С. 128.
5. Пугаченкова Г., Юсупова М. Меъморчилик // Бухоро Шарқ дурдонаси. - Т.: Шарқ, 1997. - Б. 97.
6. Мец А. Мусульманский Ренессанс. - М.: Наука, 1973. - С. 21.
7. Қоғоз // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2005. - Ж. 11. - Б. 119.
8. Сам’оний Абу Са’д ‘Абду-л-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб / Абдуллох Умар ал-Борудий таҳрири остида. - Байрут: Дору-л-фикр, 1998. 4-ж. - Б. 81.
9. Мўминов А. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби тарихига оид манба // Шарқшунослик. (ФАШИ). -Т., 1992. - № 3. -Б. 52.
10. Раҳимджанов Д.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма’рифати «уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: тарих фанлари номзоди... дис.автореф. - Т., 2003. - Б. 16.
11. Окилов С.С. Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсирату-л-адилла” асари асосида): тарих фанлари номзоди... дис. автореф. - Т. 2005. - Б. 11.
12. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения, Т.4. - М.- Л., 1957.
13. Арабские источники VII-X вв. / Отв. ред.В.И.Беляев и Д.А.Ольдерогге; сост и пер. Куббель Л.Е. и Матвеев В.В. - М.- Л., 1960.
14. Вахабова Б.А. Арабоязычные источники о культурной жизни Средней Азии IX-XIII вв.// Бартольдские чтения, - М.: Наука, 1987. - С. 25-26.